

Иброҳимова Зулҳумор Солиҳ қизи,

Мустақил изланувчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-1>

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИГА ЁКИ ФУҚАРОВИЙ БУРЧНИ БАЖАРАЁТГАН ШАҲСГА ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ВА УНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятининг объекти ва объектив томонининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беради. Муаллиф томонидан ушбу жиноятни квалификация қилиш масалалари таҳлил қилинган ва бу борадаги тақлифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ҳокимият, ҳокимият вакили, фуқаровий бурч, қаршилик кўрсатиш, фаол қаршилик кўрсатиш, махсус объект, ходим

Иброҳимова Зулҳумор Солиҳ қизи,

Самостоятельный соискатель

ОБЪЕКТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ И ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ "СОПРОТИВЛЕНИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЮ ВЛАСТИ ИЛИ ЛИЦУ, ВЫПОЛНЯЮЩЕМУ ГРАЖДАНСКИЙ ДОЛГ"

Аннотация: В данной статье описываются специфические особенности объекта и объективной стороны преступления сопротивление представителю власти или лицу, выполняющему гражданский долг. Автор проанализировал вопросы квалификации этого преступления и выдвинул предложения по этому вопросу.

Ключевые слова: власть, представитель власти, гражданский долг, сопротивление, активное сопротивление, особый объект, сотрудник

Ibrohimova Zulhumor Solih qizi,

Independent researcher
E-mail: Zulxumor.id@icloud.com

OBJECTIVE FEATURES AND QUALIFICATION ISSUES OF A CRIME OF RESISTANCE TO A GOVERNMENT REPRESENTATIVE OR A PERSON PERFORMING A CIVIC DUTY

Annotation: This article describes specific features of the object and objective side of a crime of resistance to a government representative or a person performing a civic duty. The author analyzed the issues of qualification of this crime and put forward proposals on this issue.

Keywords: government, government representative, civil duty, resistance, active resistance, special object, employee.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланганлиги ҳамда унинг иккинчи йўналиши "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари[1]" деб номланиши бугунги кунда жамиятда жиноятчилик, коррупция ва мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларнинг содир этиш даражасини камайтириш, шунингдек мазкур соҳада жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини оширишда асосий дастуриламал, десак асло муболага бўлмайди.

Шу билан бирга, мансабдорлик жиноятлари доирасини аниқ белгилаб олиш, уларнинг белгилари, мазкур турдаги жиноятларни квалификация қилиш ва профилактикасини янада такомиллаштириш масалалари ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга. Бундай жиноятларидан бири ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятидир.

Бизга маълумки, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятининг мақсади ҳуқуқий тартиб ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Қонун чиқарувчи жамиятда фуқаролар риоя этиши мажбур бўлган муайян тартибни белгилаб беради. Шу муносабат билан баъзи бир масъул мансабдор шахсларга, хусусан - ҳокимият вакилларига мажбурий кўрсатмалар бериш бўйича муайян ваколатлар берилган.

Жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган энг устувор ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган, умумлашган ҳолда соф ижтимоий категория бўлган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида уларга зарар етказилади ёки зарар етказилиши хавфи остида қолади[2].

Жиноят объектининг аҳамияти шундаки, у ҳар бир жиноятнинг зарурий элементи бўлиб, биринчи навбатда аниқланиши лозим. Тажовуз объектисиз ҳеч қандай аниқ жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Жиноят объектини тўғри аниқлаш қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жиноят таркибини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, жиноий қилмишларни маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш имкониятини беради.

Жиноятнинг объекти муаммосини таҳлил қилган олимлар доимий равишда унинг асосини ҳуқуқ нормаси, унда ўрнатган тартиб қоидалари мавжудлиги билан боғлайдилар. Бу фикрни ривожлантириб М.Усмоналиев "тажовуз қилинган объектининг аҳамияти жамият учун қанчалик юқори бўлса, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражаси ҳам юқори бўлади"[3] дейди. А.И.Трайнининг таъкидлашига кўра, "ҳар қандай жиноят, у ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир этилишидан қатъи назар, ҳар доим ҳам тажовуз объектига путур етказилади[4]. Ҳеч қандай муносабатга путур етказмайдиган жиноят табиатда бўлмайди. Объект "Махсус қисм" тизимини белгилашда катта аҳамият касб этади ва жиноятнинг табиати ва ижтимоий хавфлилики даражасини белгилувчи жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади". А.Б.Сахаровнинг фикрича, "мансабдорлик жиноятларининг объектини давлат аппарати фаолиятининг асоси

ташқил этади"[5, с.26]. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мансабдорлик жиноятларининг объектини нафақат давлат ҳокимияти органлари фаолияти, балки бевосита ушбу фаолиятни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳам ташқил этади. В.Е.Мельникова мансабдорлик жиноятларининг объекти сифатида "давлат ва жамоат аппарати тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар тушунилади"[6] дейди. А.Х.Сагтаровнинг фикрича давлат ёки жамоат аппарати фаолиятини ташқил этувчи ва жамият талабларига мос келувчи бир тоифали ижтимоий муносабатлар гуруҳи тушунилади[7], дейди.

А.Б.Сахаровнинг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятларида махсус ва бевосита объектлар бир-бирига ўхшашдир[5, с.30-31]. Бироқ, Б.Ж.Ахоров ушбу фикрга қарши сифатида, махсус объект тушунчасига асосланган ҳолда конкрет объектга етказилган зарарнинг даражасини аниқлаш қийин, албатта. Мазкур турдаги жиноятлар объектини ташқил қилувчи ижтимоий муносабатлар мазмунига қатор зарурий элементлар киради: а) ижтимоий муносабатнинг моддий ёки моддий бўлмаган фойда келтирувчи воситаси (шахс манфаатлари, давлат хизмат фаолиятида давлат органлари ва уларнинг хизматчилари муносабатларидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ва ҳ.к.лар); б) турли хилдаги ижтимоий манфаатларни вужудга келтирувчи ижтимоий муносабатларнинг иштирокчилари (корхона, ташкилот ёки муассасаларда хизмат қилиш); давлат органи ва унинг хизматчиси ўртасидаги муносабатлар, ҳокимият вакили ва фуқаро ўртасидаги муносабат ва ҳ.к.лар; ижтимоий муносабатлар тарафлари ўртасидаги боғлиқлик (хизматчи, ҳокимият органи, мансабдор, жисмоний ва юридик шахс ва ҳ.к.лар)[8]. Ҳақиқатдан ҳам, олимлар мансабдорлик жиноятларининг объектини талқин қилишда турлича ёндашувлардан келиб чиқади. Шу сабабли, махсус ва бевосита объектни алоҳида ижтимоий муносабатлар сифатида ажратиш ушбу жиноятларнинг амалиётда янада аниқ ва тўғри квалификация қилишга ёрдам беради.

Жамият ва давлат манфаатлари, давлат бошқарув ва ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмаларининг бир меъёрга фаолият юритиши, ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг шахсияти ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш ушбу жиноятнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

ЖК Махсус қисми норма ва қоидалари ўрганилганда, жиноят таркибининг кўриб чиқиладиган элементига хос томонларни кўриш мумкин:

биринчидан, объектив томон жиноят-процессуал тартибда исбот қилинадиган ва ўрнатиладиган, жиноят объектига қарши қаратилган тажовузни таърифлайдиган жиноятнинг белгилари мажмуини ифодаловчи шахс қилмишининг ташқи кўриниши;

иккинчидан, объектив томонни ифодаладиган белгилар (ҳолатлар) ижтимоий аҳамиятли ҳисобланади ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда даражасини билдириб туради;

учинчидан, бу белгилар умумий ифодага эга, яъни реал воқеликда содир қилинадиган жиноятлардан келиб чиқади.

Жиноят таркибининг объектив томони - тажовузнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини ифодаладиган, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йигиндисидир[9].

Объектив томондан жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга

фаол қаршилик кўрсатиш орқали содир этилади. Қаршилик кўрсатиш фаол ёки пассив шаклларда бўлиши мумкин. Қонун мазмунига кўра, фақатгина фаол қаршилик кўрсатиш жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Фаол қаршилик кўрсатиш жисмоний мажбурлов ёки шундай мажбурловни қўллашга таҳдид қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний қаршилик кўрсатиш шаклида амалга ошириладиган фаол қаршилик кўрсатиш ўзининг хизмат ёки фуқаролик мажбуриятларини бажараётган шахсларнинг баданига қасддан шикаст етказиш, уриш, дўппослаш, боғлаш, қамаб қўйиш ёки уларнинг эркинлигини бошқача усулда чеклаб қўйиш.

Агар қаршилик кўрсатиш жараёнида жабрланувчига ўргача оғирликдаги ёки оғир тан жараҳати етказилган бўлса, айбдорнинг қилмишини жинойятлар жами бўйича ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми ва ЖК 105-моддаси ёки 104-моддаси билан квалификация қилинади.

Мажбурлов қўллаш билан кўрқитиш деганда айбдорнинг ўзининг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан реал жисмоний мажбурлов ўтказиш ниятини билдирувчи сўзлари ва ҳаракатлари тушунилади[9].

Агар айбдор ўлдириш ёки куч ишлатиш билан кўрқитаётган бўлса, унинг ҳаракатларини жинойятларнинг жами бўйича ЖКнинг 112-моддаси ва 219-моддаси 1- қисми билан квалификация қилиш лозим.

Ҳокимият вакили - бу доимий ёки вақтинчалик равишда ўз ваколатлари доирасида муайян функцияларни бажарувчи ва ушбу ваколатлар юзасидан кўпчилик ёки барча фуқаролар, унга нисбатан хизмат бўйсунувига эга бўлмаган мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган муайян ҳаракатлар қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш ҳуқуқидан фойдаланувчи давлат ҳокимият органи манфаатларини ифода этувчи шахс.

219-модда мазмуни бўйича ҳокимият вакиллари қаторига қонуний ижро этилиши мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи берилган масъул мансабдор шахслар киритилади. Бўлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар ходимлари, шунингдек қонунга асосан, ҳуқуқ тартиботни кўриқлаш асосий ёки кўшимча вазифаларни амалга оширувчи шахслардан иборат.

Ҳокимият вакиллари функцияларини бажараётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жазони ижро этиш муассасалари ходимларига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ қилмиш тегишли белгилар бўлган ҳолларда ЖКнинг 220 ёки 221-моддалари билан квалификация қилинади.

Фуқаролик бурчини бажараётган шахс деганда давлат ҳокимияти ёки бошқарув органлари, жамиятга ёрдам бераётган, ўзининг конституциявий ёки бошқа қонуний мажбуриятларини бажараётган ҳар қандай шахс тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролик бурчини бажариш бу фуқаролар томонидан қонун ва жамият, давлат ва бошқа шахсларнинг манфаатлари доирасида ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишдир. Кўп ҳолларда ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахслар жабрланувчи бўлиб қолади ва қонунга асосан шундай шахс деб тан олинади[10, с.298].

Ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг хизмат мажбуриятлари ҳуқуқий тартибот ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганлиги сабабли, ҳокимият вакилининг кўрсатмаси ёки фуқаронинг ҳаракати қонун ва ҳуқуқ доирасида бўлиши лозим. Мазкур хизмат мажбуриятлари ҳокимият вакилларига тегишли қонун ҳужжатлардир[11]

Ҳокимият вакили - давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс[10, с.298].

Ижтимоий тартиботни қўриқлаш бўйича фаолият - бу номуайян шахслар манфаатлари доирасини қамраб олувчи, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишга қаратилган қонуний фаолият.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳокимият вакили ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахс фаолиятининг қонунийлиги ва ҳуқуқ доирасида бўлиши шарҳланаётган жиноят объектив томонининг мажбурий элементи бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқ доирасида бўлиш деганда ҳуқуқ субъекти фаолияти ёки фаолият натижаларининг ижтимоий ҳаётнинг ҳодисаларига мос бўлиши тушунилади. Ҳуқуқийлик нафақат ҳуқуқ субъектларининг юриш-туришида, балки ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида ҳам ифодаланади. Ҳуқуқийлик норма кўрсатмаларидан бирор-бир тарзда чекинмасликни назарда тутаяди. Ҳуқуққа хилофлик унинг тескариси бўлиб ҳисобланади.

Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим:

биринчидан, қаршилик кўрсатиш хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга йўналтирилганлигини;

иккинчидан, қаршилик кўрсатиш хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини ижро этиш вақтида содир этилганлигини.

Мазкур ҳолатлар аниқлангандан кейингина айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 219-моддаси билан квалификация қилинади. Аммо қонунга хилоф ҳаракатларни амалга ошираётган ҳокимият вакили ёки шахсга қаршилик кўрсатиш жиноят деб топиламайди.

Ҳокимият вакиллари ва фуқароларнинг айнан қонуний ҳаракатлари жиноят ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланади.

Жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш бошланган вақтдан бошлаб, оқибат келиб чиқишидан қатъи назар тугалланган ҳисобланади. Бунда қаршилик кўрсатиш натижасида хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахс ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққан ҳолларда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар жами сифатида квалификация қилинади.

Жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан характерланади. Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш фақатгина тўғри қасд шаклида содир этилиши мумкин.

Айбдор шахс хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини

англамаган шахс томонидан бундай қаршилик кўрсатишнинг содир этилишида мазкур жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. 16 ёшга тўлган шахс жиноят субъекти бўлиб ҳисобланади.

ЖКнинг 219-модданинг иккинчи қисмида хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Шарҳланаётган қисмдаги жиноят объектив томондан биринчи қисмда назарда тутилган қилмишдан бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Агар модданинг 1-қисмига кўра, жавобгарлик хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш учун белгиланса, 2-қисмида эса мазкур шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилган шахс жавобгарликка тортилади.

Мажбурлаш - бу ҳокимият вакили ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ёки мажбурловчи шахс фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишга эришиш мақсадида жисмоний ёки руҳий таъсир этиш бўлиб ҳисобланади. Қаршилик кўрсатишда қўлланиладиган жисмоний мажбурлашдан фарқли равишда мажбурлаш вақтида қўлланиладиган куч ишлатиш бошқа мақсадни кўзлайди[10, с.301].

Мажбурлаш вақтида қўлланиладиган жисмоний куч ишлатиш деганда жисмоний азоблар берадиган ҳамда жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклайдиган ҳаракатлар содир этиш, шунингдек уриш, дўпсослаш ва бошқа ҳаракатлар орқали шахс баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш тушунилади.

Руҳий мажбурлаш деганда айбдор томонидан сўз ёки ўзининг ниятини бошқача шаклда ифодалаш орқали ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахсга маънавий зарар етказиши, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш тушунилади. Агар ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан куч ишлатиш натижасида уларга оғир тан жароҳати етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар жами билан малакаланиши лозим. Куч ишлатиш билан қўрқитиш мажбурлаш тушунчаси доирасига кирганлиги сабабли айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 112-моддаси билан кўшимча малакаланмаслиги лозим.

Мажбурлашнинг мақсади хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахслар томонидан мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига эришиш мақсадида уларга таъсир ўтказиш бўлиб ҳисобланади.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларнинг мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишни рад этиши бундай ҳаракатларни содир этмасликда ифодаланади.

Хулоса қиладиган бўлса, ҳокимият вакили ва шахсга нисбатан куч ишлатиш билан мазкур шахслар томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажариш ўртасида боғлиқликнинг мавжудлиги ЖКнинг 219-моддаси 2-қисмида назарда тутилган

қилмиш объектив томонининг мажбурий элементи бўлиб ҳисобланади. Жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳоқимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишга йўналтирилган мажбурият ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб, оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, тугалланган ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу жиноят ва мансабдорлик жиноятларини тўғри квалификация қилинишини таъминлаш учун мансабдорлик жиноятларининг суд амалиёти ҳақидаги Олий Суд Пленуми қарори қабул қилишни тақлиф қиламиз. Ушбу Пленум қарорида мансабдорлик жиноятларининг квалификация масалалари баён этилиб, суд амалиётида хато ёки бир хилликда квалификация қилинишини таъминлаб беради.

Адабиётлар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan", dated February 7, 2017, № UP-4947. Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, №. 6, Article 70)

2. М.Х.Рутамбоев. Ўзбекистон республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Дарслик. 1-том. "ILM ZIYO", Т.:2010 (M.H.Rutamboev. Course of the Criminal law of the Republic of Uzbekistan. Textbook. Volume 1, "SCIENCE AND BRIGHT", T.: 2010)

3. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). - Т.: Янги аср авлоди, 2005. - Б.131-132 (Usmonaliyev M. Criminal law (general section). - T.: New Century Generation, 2005. - P.131-132.).

4. Трайнин А.Н. Объект преступления. М.:2001. - С. 137 (Traynin A.N. The object of the crime. М.: 2001. - P. 137.).

5. Сахаров А.Б. Общая характеристика преступлений. М.:2003 (Sakharov A.B. General characteristics of crimes. М.: 2003).

6. Мельникова В.Е. Должностные преступления. Вопросы уголовно-правовой квалификации. - М.: ВЮЗИ, 1985. - С. 6 (Melnikova V.E. Official crimes. Issues of criminal law qualifications. - М.: ВЮЗИ, 1985. - p. 6).

7. Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий, учреждений и организаций. Автореф. ... канд. юрид. наук. - Т., 1990. - С. 10 (Sattarov A.Kh. Fighting official abuses in subsidiary farms of enterprises, institutions and organizations. Autoabs. ... Cand. legal sciences. - Т., 1990. - p. 10).

8. Ахраров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2008 (Akhrarov B.J. Problems of liability for official crimes against administrative procedures: Autoabs. ... Cand. legal sciences. - Tashkent: TSIL, 2008).

9. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) Умумий қисм / Тошкент: "Адолат", 2016. 134-6 (Rustamboev M.X. Commentary on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. (Revised and reprinted second edition) General section / Tashkent: "Justice", 2016. p. 134).

10. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. IV том: Иқтисодий соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳоқимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. - Т.: Илм зиё, 2011 (Rustambaev M.H. Course of the Criminal law of the Republic of Uzbekistan.. Special section. Volume 4, Economic Crimes. Ecological Crimes. Crimes against the activities of authorities, governance and public associations. - Т.: Science, 2011).

11. М.Х. Рустамбаев, Б.Ж. Ахраров. Бошқарув тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. - Б.78 (M.H. Rustambaev, B.J. Akhrarov. Qualification of official crimes. Educational manual. - Т. TSIL publishing house, 2006. - P.78).